



ФИДОЙИЛИК БИЛАН ИШЛАСАК, ИҚТИСОДИЁТИМИЗДА ҲАЁТИЙ УЙҒОНИШ ВА ЮКСАЛИШ, ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШИДА ФАРОВОНЛИК БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 14 март куни Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманига ташриф буюриб, аҳолининг яшаш шароитлари билан танишди.



Сафар асносида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназаров билан самимий суҳбатлашди. Мулоқотда диний-маърифий йўналишлардаги ишлар, муборак Рамазон ойининг фазилатлари ҳақида сўз борди.

Маълумки, 11 март куни бутун ислом уммати қатори юртимиз мусулмонлари ҳам бу қутлуг ойни хурсандчилик билан кутиб олдилар. Рўздорлар мамлакатимиздаги тинчлик ва фаровонлик шарофатидан ибодатларини эмин-эркин адо этмоқда, бунинг учун Аллоҳ таолога чексиз шукроналар айтмоқда. Масжидларда Қуръони карим хатм этилиб, халқимизга осойишталик, файзу барака тилаб, дуолар қилинмоқда.

Муфтий бу улуғ айёмда сабр-қаноат, хайру саховат фазилатлари зиёда бўлишини, юртдошларимиз бунни ҳис қилиб, савоб амалларни кўп қилаётганини айтди.

Президентимиз бу ойни юксак даражада ўтказиш, юртимиздаги тинчликни қадрлаш ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича ўз фикрларини билдирди. Инсон қадрини улуғлаш мақсадига мувофиқ, халқимиз манфаатларини таъминлаш, муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш давом эттирилишини айтди.

Тадбиркорликни ривожлантириш, томорқа ва уй ҳўжалиқларидаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш орқали қишлоқ аҳолиси турмушини юксалтириш муҳимлиги таъкидланди. Ёшларни билим-маърифатли ва ватанпарвар этиб тарбиялаш, уларни ўқишга, меҳнатсеварликка ундашнинг аҳамияти ҳақида суҳбатлашилди.

Дастлаб тумандаги Иттифоқ маҳалласида томорқа ва уй ҳўжалиқларидаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш орқали аҳоли даромадларини ошириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар раҳбарлари, 208 та туман ва шаҳар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, банклар ва маҳаллалар вакиллари қатнашди. Давлатимиз раҳбари одамлар яхши яшашга интилаётгани, уларга маблағ ва кўмак бериб, даромад манбаи яратиш зарурлигини таъкидлади.

— Тадбиркорлик, бандлик, камбағалликдан чиқаришга катта маблағ бериш орқали бординг? Мақсадимиз — томорқани ишлаб, хонадонда ишлаб чиқариш қилиб, кўчада хизматларни кўпайтириб, ҳар сотихдан 1-2 миллион сўм даромад топишга ўргатиш, — деди давлатимиз раҳбари.

Лекин Сайхунободда натижалар бундай эмас. Қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш ва инвестициянинг тумандаги тизими етарлича ишламаяпти, тадбиркорлик ўсмаяпти.

Шу боис, Сирдарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари, Сайхунобод тумани ҳокими ва бошқа бир қатор раҳбарлар вазифасидан овоз қилинди.

Йиғилишда Сайхунобод тумани мисолида ҳудудлардаги муаммолар ва фойдаланилмаётган имкониятлар кўрсатиб ўтилди. Хусусан, давлат томонидан банкларга катта ресурс ажратилмапти. Ўтган йили маҳалладаги тадбиркорлик учун Сайхунободга 120 миллиард сўм берилган. Туман тадбиркорлари солиқдан 85 миллиард сўмлик имтиёз олган.

Лекин бунинг самараси шунга яраша эмас. Хўсуслик секторда яратилган расмий иш ўрни бор-йўғи 968 тага кўпайган. 2023 йилда туманда 167 та янги тадбиркор пайдо бўлган бўлса, шунинг ярми ҳали иш бошламаган.

Банклар фақат қайтимни ўйлаб, осон йўл билан ресурсларни доимий мижозига берапти. “Мен ҳам тадбиркор бўлай, маҳаллада иш ўрни яратай”, деган оддий одамлар четда қолиб кетаяпти. Камбағалликни йўқотиш учун уларга тайёр лойиҳа берилмаяпти.

Ўтган йили Сайхунободда саноат ҳажми ҳам ўсмаган. 19 та маҳалладан 16 та сида юқори қўшилган қиймат яратадиган бирорта ишлаб чиқариш йўқ. Тайёр ин-фратузилмаси бор 16 та бино ва иншоот ситилмай турибди. Хомашё тайёрлаш, бонини қайта ишлаш, одамларни маҳсулот ишлаб чиқаришга ўргатиш ва кооперация қилиш бўйича ташаббуслар йўқ.

Туманининг энг катта захираси ҳам, имконияти ҳам — ер. Сайхунобод аҳоли томорқаси 20 сотихдан ортиқ бўлган 26 та тумандан бири. Томорқаларда асосий экин беда билан макка бўлиб қолган. Сархил мева-сабзавотлар етиштириб, даромад олиш, экспорт қилиш йўлга қўйилмаган.

Сайхунободнинг 19 километр ҳудудидан Сирдарё оқиб ўтгани учун “сув текин” деган тушунча ўрнашиб қолган. Атиги 22 фозис ерларда сув тежовчи технологиялар жорий қилинган. Шолчилик фермер хўжалиқлари лазерли текисланмаган. Каналларни бетонлаш режаси тўлиқ бажарилмаган оқибатида 9 та маҳалладаги 5 минг гектар ерга сув кам борапти.

Йиғилишда бу муаммоларни ҳал этиш ва ишсизликни камайтириш чоралари муҳокама қилинди.

Аввало, Сайхунободдаги 17 мингта хонадондаги томорқани ишга солиш, кичик саноат ва хизматларни йўлга қўйиш орқали аҳолини даромадли қилиш вазифаси

қўйилди. Бунинг учун банклар ҳоким ёрдамчилари билан бирга 19 та маҳалла ва 794 та кўчани номма-ном бўлиб олиб, “драйвер” йўналишлардан келиб чиқиб, ҳар бирига техник иқтисодий асос ишлаб чиқади.

Сайхунободда илк бор янги тажриба қилиниб, 19 та маҳалланинг ҳар бирига биттадан минитрактор, 4 тадан мотокультиватор олиб берилди. Эндиликда ҳоким ёрдамчилари “1 сотих томорқадан камида 1-2 миллион сўм даромад” деган мезон асосида аҳоли учун бизнес-режа ишлаб чиқади. Маҳалладаги агрономлар билан бирга томорқа ерларини ҳайдаш ва экин экиш хизматларини кўрсатади. Бу тажриба бутун республикада оммалаштирилади.

Томорқада етиштирилган маҳсулотни сотиб олиш тизимини йўлга қўйиш ҳам муҳим масала. Шу мақсадда туманда экспортга кўмаклашувчи корхона очилиб, уставиға 1 миллиард сўм киритилади. Бу корхона 4 минг хонадонга серхосил қовоқ, мош, ловия, розмарин, брокколи, тимьян уруғларини етказиши, етиштирилган маҳсулотни сотиб олиб, экспорт қилади.

Бундан ташқари, маҳаллада сотиб олишни йўлга қўйган экспортчи, илғор тадбиркорларга 300 миллион сўмдан 1 миллиард сўмгача грант берилади.

Тумандаги 19 та маҳалланинг ҳар бирида 10 тадан хонадонда намунавий интенсив бог яратилади. Кооперация асосида уларга экспортчилар богланиб, 2 минг тонналик сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш мажмуалари ташкил этилади. Ҳар бир намунавий хонадон эса келгусида қўни-қўшинларини ҳам бунга ўргатади. Бунинг учун ҳоким — бог эгаси — банк ўртасида уш томонлама шартнома тузилади.

Мебель корхоналари учун терак етиштириш имконияти ҳам бор. Шу боис, тумандаги 98 километр каналлар ва дренаж тармоқлари атрофидаги 100 гектар бўш ерлар кооперация асосида 500 та хонадонга терак экиш учун бўлиб берилади.

Сайхунободда саноат усулида йилга атиги 60 минг парранда етиштириляпти. Бу жуда кам. Шу боис, 4 та йирик паррандачилик фермаси ташкил этилиб, 2 мингта хонадон билан кооперация йўлга қўйилади. Натижада хонадонларда йилга 10 миллион парранда боқилиб, қўшимча 22 минг тонна парранда гўшти етиштириш мумкин бўлади.

Шунингдек, Сирдарё оқиб ўтадиган маҳаллаларда сунъий ҳавзалар қуриб, баллиқ етиштиришни кўпайтириш, томорқаларга уя тарқатиб, асал экспортини йўлга қўйиш вазифалари кўрсатиб ўтилди.

Чорвасини кўпайтириш истиғидидаги оилаларга 400 гектар ер озука учун берилади.

Оилавий тадбиркорлик дастури доирасида қорамол, қўй ва эчки олиш учун 33 миллион сўм имтиёзли кредит гаровсиз, нақд пулда берилади. Бу орқали тумандаги 1,5 минг хонадонга чорвани кўпайтириш учун шароит яратилади. Бундай маҳалаларда сутни йиғиш шохобчалари ишга туширилади.

Хонадонларда кичик ишлаб чиқаришни ташкил қилишга кўмаклашиш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда туманда тадбиркорлик инфратузилмасини яхшилашга 60 миллиард сўм берилади. Бўш турган 21 та иншоотга инвесторлар жалб қилиниб, фойдаланишга киритилади. Фаровон маҳалласида 35 гектар майдонда кичик саноат зонаси ташкил қилиниб, камида 100 миллион долларлик саноат лойиҳалари бошланади.

Давлатимиз раҳбари Сайхунободда ўтган йили бирорта кўп қаватли уй қурилмаганига тўхталиб, бу бўйича мутасаддиларга кўрсатма берди.

Умуман, бу тизим орқали Сайхунободдаги ҳар бир маҳалла, ҳар бир кўча, ҳар бир хонадон қамраб олинishi таъкидланди. Мутасаддиларга ушбу янги тизим республиканинг барча 9 минг 452 та маҳалласида йўлга қўйиш топширилди.

— Бу йил иқтисодиётимизда ҳаётий уйғониш ва юксалиш йили бўлади. Бунинг учун жойлардаги мутасаддилар фидойилик билан ишлаб, ҳаммани уйғотиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда ҳокимлар ва сектор раҳбарлари, иқтисодий комплекс вакиллари, маҳалла раисларининг ҳисобот ва тақлифлари эшитилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Иттифоқ маҳалласидаги томорқа ва уй ҳўжалиқларидаги омилкорлик билан танишди.

Мамлакатимизда долзарб масалалардан бири — бандлик. Иқтисодий ислохотлар ёки ҳудудий дастурлар бўлсин, барчасининг замирида иш ўринларини очиш, аҳоли ҳаётини яхшилаш мақсади мужассам.

Буларнинг натижасида сўнгги йилларда 2 миллион 400 минг аҳоли ўзини ўзи банд қилди. Қарийб 2 миллион одам камбағалликдан чиқарилиди. “20 минг тадбиркор 500 минг малакали мутахассис” дастури доирасида 455 минг аҳолининг бандлигини таъминлаш бўйича шартномалар имзоланди. Маҳаллабай асосда 51 мингта микролойиҳа амалга оширилиб, 206 мингта янги иш ўрни яратилди. Ишсиз фуқаролар “Ишга марҳамат” мономарказларида замонавий касб-хунар ва хорижий тилларга ўқитилмоқда.

Жорий йилги Давлат дастурида 5 миллион аҳолининг бандлигини таъминлаш белгиланган. Шундан 2 миллиондан зиёди

қишлоқ ҳўжалиги ва томорқачилик соҳасига тўғри келади.

Шу йил 7 март куни давлат раҳбари ҳузурида ўтган йиғилишда маҳаллалардаги имкониятларни ишга солиб, оилаларга даромад манбаи яратиш тизими муҳокама қилинган эди. Бунда энг қулай ва ҳамма-боп имконият томорқадан фойдаланиш экани таъкидланди.

Президентимиз ҳар доим мамлакат миқёсидаги дастурларни, хайрли ишларни энг оғир туманлардан бошлаш кераклигини айтади. Бундан мақсад, аввало, ўша ердаги шароитни яхшилаб, одамларнинг оғирини енгил қилиш, шунинг баробарида, бундай туманларда нималар қилиш мумкинлигини амалда кўрсатишдир.

Сайхунобод тумани ҳам ана шундай оғир ҳудудлардан бири. Маҳаллий бюджет харажатининг 60 фозиси юқори турувчи бюджетдан ҳал бўляпти. Сабаби тадбиркорлик ўсмаяпти. Туманда 2 минг 400 та ишсиз бор. Камбағаллик даражаси ҳам юртимиздаги ўртача кўрсаткичдан юқори.

Тумандаги Иттифоқ маҳалласида 6 минг 672 нафар аҳоли яшайди. Учта мактаб, учта болалар боғчаси, поликлиника, ўнлаб тадбиркорлик ва фермер хўжалиқлари фаолият юритмоқда. Лекин бу бандликни тўлиқ таъминлаш учун етарли эмас. Меҳнатта лаёқатли 100 киши ишсиз. Хорижда ишлаётганлар, ноғиронлиги бўлган фуқаролар ҳам бор. Ўтган йили аҳолини тадбиркорликка жалб этиш учун 140 та лойиҳага кредит берилган. 137 кишига деҳқончилик қилиш учун узоқ муддатга ер ажратилган.

Аслида, туман аҳолисига қўшимча ер ажратиш шарт эмас. Чунки Сайхунобод аҳоли томорқаси 20 сотихдан ортиқ бўлган 26 та тумандан бири. Шундан ҳам тўла фойдаланилмаяпти. Асосий экинлар беда билан макка бўлиб қолган.

Жумладан, Иттифоқ маҳалласида умумий томорқа майдони 185 гектар. Тумандан Сирдарё оқиб ўтгани учун сув ҳам яхши. Лекин сархил маҳсулотлар етиштириб, рўзгорга барака киритиш суст. Хусусан, Фарғона водийси вилоятларида 6 сотих томорқадан олинаётган даромад бу ердаги катта томорқалар маҳсулдорлигидан бир неча баробар кўп.

Шу боис, Сайхунобод томорқа ва уй ҳўжалиқларидаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш бўйича намунага айлантирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 мартда қабул қилинган “Аҳоли хонадонларида саноат усулида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда томорқа ва деҳқон хўжалиқларида янги захираларни ишга солишга

доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан катта имкониятлар белгиланиди. Жумладан, 2024 йилда экспортбоп ва сердаромад экинлар экиш, аҳолининг бу соҳадаги билим ва кўникмаларини ошириш учун 54 та туманда намунавий ўқув-тажриба майдонлари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Шундай намунавий томорқалар Иттифоқ маҳалласида ҳам ташкил этилди. Давлатимиз раҳбари ушбу хонадонларни кириб кўрди.

Масалан, Рисолат Ғуломов хонадонининг 14 сотих томорқасида шу пайтгача сабзи, саримсоқ экилиб, ерининг ўттиз фозис имкониятидан фойдаланилган.

Ҳокимлик ва мутасадди ташкилотлар кўмагида томорқага олма ва ток кўчатлари, уларнинг орасига турли кўчатлар экилди. Бунга қўшимча товуқ, қуён, асалари ва соғин сигир боқиш йўлга қўйилди.

Бугун юртимизда ёқилғисиз исийдиган иссиқхоналар барпо қилиш оммалашиб борапти. Давлатимиз раҳбари бу тажрибани маъқуллаб, уларни кўпайтириш, деҳқонларга тайёр ҳолда қуриб бериш зарурлигини айтган эди. Рисолат ая хонадонига ҳам икки сотихли иссиқхона қуриб берилди. Унга 30 туп лимон, қатор ораларида эса помидор ва қулулпай экилди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда томорқа эгалари, маҳалла фаоллари билан суҳбатлашди.

— Халқимиз ўз ҳаётида сезиши учун ҳамма ишларни маҳаллада ташкил қилаяпти. Энди давлат идораларининг бутун имкониятларини ҳар бир кўчага, хонадонга олиб киришимиз. Масалан, маҳаллага бириктирилган банк маблағ бериш билан бирга одамларнинг дунёқарашини ҳам ўзгартиради. Мақсадимиз халқнинг даромадини ошириш, бой қилиш. Албатта, осон бўлмайди. Бу машаққатли меҳнат, тинимсиз изланиш, янги-янги ғоялар, дегани. Лекин бажарса бўлади. Мезон битта — иқтисодий комплекс халқнинг дарди билан яшайди, — деди Президент.

Маҳалла фаоллари аҳоли, умуман, сайхунободликлар томорқадан бундай кенг фойдаланишга катта қизиқиш билдираётганини айтди. Мутасаддилар бу тажрибани кенгайтиришга, томорқа эгаларига кўмаклашиб, маҳаллаларини ишсизликдан холи қилишга ваъда берди.

Президент шу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига жавоб берди.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Сирдарё вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АВВАЛБОВЕВ,
Ўза муҳбирлари

Ижтимоий ҳимоя

БОҚИМАНДАЛИКНИ ЭМАС,
ЯШАШНИ ЎРГАТАДИ

Худудлар ҳаёти

Инсон ҳамиша меҳрға ташна. Айниқса, ўзгалар парваришига муҳтож ногирон ва ёлғиз кексалар биргина ширин сўзининг гадоси. Бир оғиз илик гап уларнинг руҳини кўтаради, кўнглини тоғ қилади.

87 ёшли ёлғиз кекса Антонина Куйчиева Зарбдор туманининг Шодлик маҳалласида яшайди. Ўзбекистонда қариндошлари йўқ. Зарбдор тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан Антонина Куйчиевага уй-рўзгор юмушларига кўмаклашиш учун ижтимоий ёрдамчи бириктирилди. Антонина момо кўрсатилаётган хизматлардан мамнун.

— Тақдир тақозоси билан анча йиллардан буён ёлғизман. Аммо Ўзбекистонда яшаётганимдан хурсандман, — дейди Антонина Куйчиева. — Зеро, давлатимиз қарамоғидаман. Маҳалла-кўй, кўни-қўшнилари сира ёлғизлашиб қўймайди. Ўзбеклар меҳрибон ва бағрикенг халқ. Доимо ҳолимдан хабар олиб туради. Агар бошқа юртда яшаганимда, билмадим, ҳолим нима кечарди. Яқинда оқсоқолимиз маҳалламизда янги ташкил этилган ижтимоий хизматлар ходими билан уйимизга келди. Яшаш тарзини, соғлиғим, ҳолатимни ўрғанди. Менга ҳар куни уч соатдан ижтимоий хизмат кўрсатиладиган бўлди. Шунингдек, санаторийда соғлиғимни тиклашим учун онлайн навбатга қўйди. Насиб қилса, яқин кунларда “Жиззах” санаторийсига бепул даволанаман. Ўзбек тилини яхши биламан, юртимиздаги ўзгаришларни телевизорда кўзатиб бораман. Энг муҳими, юртимиз тинч, осойишта. Ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатлик мустаҳкам. Миллатим украин. Қўшниларим ҳаммаси ўзбеклар. Уларнинг бирор марта ҳам менга нисбатан бошқача назар билан қараганини кўрмаганман. Аксинча, боя айтганимдек, улар жуда меҳрибон.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, ногиронлиги бўлган шахс, бева-бечора, қаровчиси йўқ, ота-она-сидан эрта мажмур бўлган ёки уларнинг қарамоғидан четда қолганлар ҳолидан хабардор бўлиш, оғирини енгил қилиш, уларга ижтимоий кўмак кўрсатиш каби инсоний фазилатлар азалдан қадрланган.

— Кейинги йилларда бу қадрият янгича мазмун касб этипти, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи Наргиза Мавлонова. — Зеро, мазкур соҳада давлат сиёсатини амалга оширишга масъул ташкилот — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Президент ҳузурида ташкил этилгани ҳам бежиз эмас. Бу ҳам мамлакатимизда инсон қадри улуғланаётганининг далилидир.

Президентимизнинг 2023 йил 28 сентябрдаги “Аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш тизimini янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, дастлаб Жиззах вилоятида ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасида ташкил этиш, ижтимоий хизмат ва ёрдамларни комплекс ёндашув асосида кўрсатиш, аҳоли оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш, шунингдек, ижтимоий ҳимоя манзиллиги ва самардорлигини ошириш ҳамда аҳолининг кўмакка муҳтож қатлами ижтимоийлашувни таъминлаш мақсадида Бахмал ва Ғаллаорол туманларидаги 48 маҳаллада эксперимент тарикасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилди. Янги йилдан бошлаб эса вилоятдаги барча туманларда “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази фаолияти йўлга қўйилди. Ҳар бир маҳаллага ижтимоий ходим бириктирилмоқда. Энди аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ барча масалалар улар орқали ҳал қилинади. Бундан ташқари, ижтимоий ходим аҳолига давлат томонидан қафолатланган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар тўғрисида, шунингдек, аҳолининг мазкур хизматларни олишга бўлган ҳуқуқлари бўйича тушунтириш беради. Айни пайтда “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ва ижтимоий

ходим томонидан аҳолига бир неча турдаги хизмат ва ёрдамлар кўрсатилмоқда.

— Ғаллаорол туманидаги 35 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 26 маҳаллада ижтимоий ходимлар ўз фаолиятини олиб бормоқда, — дейди туман “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази бош мутахассиси Бахтиёр Эсонов. — Илгари бирор фуқаро кам таъминлангани учун болалар нафақаси ёки моддий ёрдам сўраб келса, маҳалла расиси ёки хотин-қизлар фаоли шугулланган. Аммо улар ўша кам таъминланган оилалар учун болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олиш сабабини, негизини ўрганмаган. Маҳалладаги ижтимоий ходимимиз ҳолат келиб чиқиши сабабларини, негизини ўрганиб, фуқарога комплекс ижтимоий ёрдам кўрсатади. Фуқароларни давлатга ёки кимгадир қарамлик, боқимандаликка эмас, ўзини ўзи таъминлашга ўргатади.

Зомин тумани Небўса қишлоғида яшовчи 30 ёшли Санжар Қурбонов ногиронлик аравачиси олганига уч йил бўлган. Аммо бир йилдан буён аравачиси сингани боис, ҳовлида сайр қилиш имконсиз эди. Янги арава олишга оиланинг моддий имконияти етмаган. Янги арава сўраб қилинган мурожаатга эса масъуллар ҳали навбати келмади, деб жавоб берган.

— Ҳаво исси, аравани устага олиб бориб тузатмоқчи эдим. Бир кун уйимизга маҳалламизга янги тайинланган ижтимоий ходим келди, — дейди Санжарнинг онаси Богдаул опа. — Шароитимизни ўрганди, муаммоларимизни сўради. Биринчи навбатда, Санжарга арава сўрадим. Ўғлимнинг бир томони ишламайди. Қарангки, уч кун ўтмасдан, ўғлимга янги арава олиб келди. Оиламизга моддий ёрдам бермоқчи бўлди. Бундан ташқари, санаторийда бепул даволаниш учун онлайн рўйхатга қўйди. Ҳаммамиз хурсанд бўлди. Ўғлимнинг қувончини кўрсангиз. Ҳозир бемалол ўзи тоза ҳавода сайр қилади.

Соҳани рақамлаштириш ҳисобига ўрнидан туролмайдиган, ўзгалар кўмагига муҳтожларга ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилгани тизимда шаффофликни таъминляпти. Ижтимоий ҳимоя

миллий агентлиги томонидан кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни санаторийларга йўлланма учун навбатга олишнинг янги “ИМА Sanatoriya” модули ишга туширилди. Янги модуль ёши улуг юртдошларимизнинг узок вақт навбат кутиб, қанча оворагарчиликлардан сўнг санаторийга боришига чек қўйди. Эндиликда шаффоф ва адолатли тизим орқали онлайн равишда рўйхатдан ўтиш мумкин.

— Дам олиш масканларига йўлланма бериш онлайн тизимга ўтказилгани яхши бўлди, — дейди “Жиззах” санаторийсида соғлиғини тиклаётган ғаллаороллик Толибжон Қўйчиев. — Қишлоғимиз вилоят марказидан 100 километр узокда жойлашган. Авваллари йўлланма олиш учун туман ва вилоят марказига қатнаб овороа сарсон бўлардик. Таниш-билишчилик оқибатида узок йиллар йўлланма ололмаганимиз ҳам рост. Энди йўлланма олиш учун инсон омили аралашмаслиги, шаффофлиги, таниш-билишчиликка барҳам берилганидан хурсанд бўлдим.

Дарҳақиқат, янги тизим ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларга ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг самарали усулига айланмоқда. Бу эса янги Ўзбекистонда инсон шайни, қадр-қимматини улуғлаш устувор вазифа этиб белгиланганининг яна бир исботидир.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Инсон қадрлари учун

ЭНГ ЧЕККА ҚИШЛОҚ БОЛАЛАРИ
мактабга замонавий автобусда қатнайди

Нафақат пойтахтда, балки вилоят марказларида ҳам аҳоли, шунингдек, транспорт сони ортиши йўлларда муайян мураккаблиklar келтириб чиқармоқда. Шу боис, ҳаётнинг ўзи мазкур йўналишда хизмат сифатини ошириш, уни бутунги кунга ва шароитга мослаштиришни тақозо этади. Сурхондарё вилоятида ҳам аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, жамоат транспорти йўналишлари тармоғини кенгайтириш ва ҳаракат таркибини замонавий автобуслар билан янгилаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Биргина Термиз шаҳрининг ўзида жамоат транспортини ривожлантириш мақсадида мавжуд 11 та йўналишда 140 дан ортик автобус қатнови йўлга қўйилган.

Вилоят марказида “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамиятининг Термиз филиали очилиб, охириги бир йилда “Isuzu” русумли 100 дона янги автобус олиб келинди. Бунинг натижасида автобусларнинг қатнов интервали 20 дақиқадан 7-10 дақиқага туширилди.

Термиз шаҳрида бир кунда ўртача 68 минг, бир ойда 2,1 миллион, бир йилда эса 24,3 миллион йўловчи жамоат транспортидан фойдаланади.

— Йўловчи ва транспорт сони ошгани қаторида жамоат транспорти хизматида фойдаланувчиларга яратилаётган қўлайликлар ҳам кенгайиб бормоқда. 11 та йўналишдаги автобусларда автоматлаштирилган “АТТО” тўлов тизими жорий қилинган. Бу эса, ўз навбатида, тўловларни нақд ва электрон шаклда, яъни карталар орқали ҳам амалга ошириш имкониятини яратмоқда, — дейди Сурхондарё вилояти Транспорт бошқармаси бош мутахассиси Шавкат Қурбонназаров.

Термизлик меҳнат фахрийси Шокир Хўжаев 40 йилдан ортиқроқ вақт

давомида воҳа марказида жамоат транспорти соҳасида ишлаган. Отаҳоннинг айтишича, бундан 30 йил олдин Термизда атиги 1 та йўналишли автобус қатнарди. Соатлаб автобус келишини кутишган. Интирма йил илгари эса 4 та, бутун эса 11 йўналишда жамоат транспорт қатнови мавжуд.

Нафақат вилоят марказида, балки уни туманлар марказлари билан боғлайдиган йўналишларда ҳам замонавий автобуслар қатнови йўлга қўйилган.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Сурхон воҳасига қилган ташрифи чоғида

Термиз — Қарши — Самарқанд йўналишида янги қатновлар очиш ва унда маҳаллий йўловчилар, жумладан, сайёҳлар учун қўлайликлар яратиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берган эди. Бугун бу янги йўналишда ҳам автобуслар қатнамоқда.

Вилоятга 2023 йилда 600 мингта ақин хорижлик сайёҳ келган. Туризм хизматлари экспорти эса сезиларли ошиб, 22 миллиард АҚШ долларидан ортиқроқни ташкил этган. Энди сайёҳлар оқимини 3 баробар ошириш режа қилинмоқда.

Жамоат транспортининг самарали фаолияти йўл инфратузилмаси билан боғлиқ. Сўнгги бир йилда вилоятда 484 километр автомобиль йўли асфальт қилинган, 14 та кўприк таъмирланган. Бу эса 2022 йилда ушбу йўналишда бажарилган ишларга нисбатан 3 баробар кўпдир.

Жорий йилда эса вилоятда ижтимоий соҳа ва инфратузилмани яхшилаш учун қарийб 200 миллион доллар ажратилган. “Ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш” лойиҳаси доирасида Жарқўрғон, Қўмқўрғон, Шўрчи, Денов, Сарюсиё, Узун, Бойсун туманларида 320 километр йўл таъмирланади, 45 километр пидедалар йўлга қурилади, 14 мингта кўчага ёриш тизимлари ўрнатиллади.

Туман марказларида қишлоқ аҳоли пунктларигача цемент-бетон қопламали йўллар қуриш, туманларни ҳам жамоат транспорти билан қамраб олиш, янги автобуслар сонини ошириш борасида ишлар олиб боришмоқда.

Эркин Соҳибов Денов тумани пурвиқор Хўжабарқўх тоғлари этақларида жойлашган Ушор қишлоғида яшайди. Янги лойиҳалар энг чекка маҳалаларгача етиб келаётганини у ҳар

қадамда сезади. Биргина мисол. Бундан 8 йил муқаддам ҳам маҳаллада на қишлоқ оилавий поликлиникаси, на бирор мактабгача таълим ташкилоти, на бирор спорт иншооти бўлиб, ўтган асрининг 60-йилларида қурилган биттагина мактаб бор эди. Бу қишлоқдан туман марказигача масофа 45 километрни ташкил этади. Йўллар таъмирталаб, бир аҳволда эди. Бутунги кунда қишлоқ обод масканлардан бирига айланган. Текис ва раvon асфальт йўл қилинган. Иккита замонавий мактаб бор.

Гапнинг индаллоси, Эркин Соҳибов қишлоқда учинчи мактабни қуриш ташаббуси билан чиқди. Сабаби, аҳоли сони ортиши билан маҳалла янада кенгайган.

— Эркинбой, 5-6 йилда шунча катта ўзгариш. Ўзининг биласиз, қишлоқда битта мактаб йўқлигидан отангиз от-уловда 15 қақирим йўл босиб, қўшни қишлоқда ўқиган. Ҳозир бир эмас, икки мактаб бор. Нима қиласиз ишни кўпайтириб? — деди баъзи кишилар.

— Гапингиз тўғри, шуқр қилишда ҳикмат кўп, — деди у.

У туман марказига келди. Мутасаддиларга учрашди. Ишчи гуруҳ келиб ўрганди. Маълум бўлдики, унинг уйидан энг яқин мактабгача масофа узок, бироқ янги муассаса қуриб, фойдаланишга топшириш учун талабга қўра, мактабга қамраб олинувчи ўқувчилар сони еттишмади.

Эркин радиони баянлаштириб қўйиб, томорқасидаги ишга машғул бўлди. Хушовоз бошловчи давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ешлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонини ўқиб қолди: “2024 йил 1 сентябрдан бошлаб Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тажриба-синов тариқасида умумий ўрта таълим мактабларига олис ҳудудлардан қатнайдиган ўқувчилар учун аутсорсинг асосида бепул автобуслар қатнови йўлга қўйилди. Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб вилояти ҳокимлиги белгиланади”.

Эркин Соҳибов хурсандчилигини эл билан бўлиштириш келди. Тўнини елкасига илиб, гузар томон эна бошлади. Бу юртда ҳар бир инсоннинг қадри борлигини, мурожаат ва муаммоларга қулоқ тутадиган тизим, албатта, мавжудлигини айтади. Унинг гапи юқорига етиб боргани билан мактабнади. Энди унинг қишлоғига ҳам жамоат транспорти келади. Фарзандлари замонавий автобусларда мактабга қатнайди.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



тиббий хизматлар самардорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида жорий этилган янгиликлар “Қишлоқ шифокори” дастури бу борада янги имконият эшикларини очди. Дастур доирасида олис ва чекка ҳудудларда ишга қабул қилинган врачларга 30 миллион сўм миқдорида бир марталик пул маблағи, уй-жой билан таъминлаш тартиби жорий қилинганга ўз самарасини бермоқда.

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан бу ерга келиб ишлайдиган шифокорлар машошга қўшимча 2 миллион сўм ҳар ойлик устама белгиланган. Улар фаолият юритаётган ҳудуддан ипотека кредити асосида хонадон сотиб олишда уй-жой қийматининг 50 фоизигача бўлган қисми маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қўллаб бериладиган бўлди. Уч йил ишлаган шифокорларни клиник ординатурага имтиҳонсиз қабул қилиш тартиби жорий этилди. Натижада Сўх тумани тиббиётини кадрлар еттишмаслиги билан боғлиқ муаммолар барҳам топмоқда. Бутун ҳудудга келиб фаолият юритаётган шифокорлар сони қарийб 40 нафарга етди.

Асли самарқандлик Фотима Хўжанова Демурад оилавий шифокор пункти раҳбари вазифасида иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Лекин касбий малакаси, одоб-ахлоқи билан кўпнинг меҳрини қозонди, эътиборига тушди. Шифокор қиз тоғлар бағрида яшовчи, содда, самимий одамлар кўнглидан жой олди.

— Аввалига уй, яқинлардан олисда, бегона жой одамлари билан тил топишиб, мавжуд шарт-шароитларга қўниқиб кета олармиканман, деган ҳадик бор эди, — дейди Ф.Хўжанова. — Ҳаммаси бошқача бўлиб чиқди. Демурадликлар мени ўз қизидек самимий, очиқ чеҳра билан қарши олди. Айни кунда 2 миңдан ортик аҳолига хизмат кўрсатяпмиз. Шифо истаб келган нурунийлар ва яхши кишилардан раҳматлар эшитаман. Уч йил аввал бир марталик 30 миллион сўм пул берилди. Ойлик маошимизга устама тўланапти. Солиқ имтиёзларини айтмай-сизми, бор-йўғи бир фойз. Шу имконият ва

имтиёзлар туфайли машинали бўлди, яқин кунларда янги уйга қўчиб ўтадим.

Қува туманидан келган Дилшода ва Зухридин Ботиралиевлар ҳам аҳоли саломатлигини йўлида хизмат қилмоқда. Зухридинни сўхликлар қўли енгил шифокор, турмуш ўртоғи Дилшодахонни эса меҳрибон ҳамшира сифатида жуда яхши кўради. Ўтган қисқа вақт давомида ёш шифокорлар оиласи учун керакли барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Нафақат иш, балки маҳаллада бўлаётган тўй-томоша, яхши-ёмон кунларда ҳам ўзаро ҳамжиҳат бўлиб яшаб келишяпти. Улар бу ерда чин кўнглидан янада узок йиллар меҳнат қилишга тайёр.

— Авваллари битта шифокор, битта фарош ишларди. Бутун уларнинг сафи ўттизга етди, — дейди меҳнат фахрийси Иброҳим ота Салаев. — Зарурат туғилиб қолганда, ярим тунда ҳам марказдаги шифокорга боришга мажбур бўлганмиз. Техника етишмасди. Адашмасам, маҳалламиздаги юздан ортик аёлни машинада туғуруқхонага олиб борганман, баъзиларининг йўлда кўзи

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Тараққиёт мезонлари

Янги Ўзбекистон нафаси ҳаётимизда ўз аксини топиши керак



Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Баҳор қизик-да. Офтоб чарақлаб туриб, ёмғир ёғиши ва ҳатто қорға айланиши ҳам ҳеч гап эмас. Бу табиат қонуни. Юртимизга жорий йилги баҳор фасли ана шундай ажойиб тухфалари билан кириб келди. Ота-боболаримиз азалдан баҳор ёмғирини бежиз баркага қиёсламаган. Зеро, бугунги ёмғир томчилари ерга нам, экинларга қувват беради. Бу эса эртага ҳосил мўл, бозорлар файзли, турмуш янада фаровон бўлишидан далолат.

Чиндан ҳам бу йил сув мўл бўладиган. Ер билан тиллашган ва осмон инъомига суянган деҳқон учун эса бу жуда муҳим. Баҳорнинг ана шундай серёгин ва баракали кунларини Сайхунобод эли янада бошқача қарши олди. Гап шундаки, айни баҳор, экин-тикин, деҳқончилик ишларига киришладиган паллада давлат раҳбарининг туман аҳли билан учрашув ўтказиб, дилдан суҳбатлашгани, томорқадан фойдаланиш ва уй ҳўжаликлари имкониятини шахсан кўздан кечиргани, уй эгалари ҳаёти билан яқиндан танишгани чинакам тарихий воқеага айланди. Воқеаки, одамларга янада куч-ғайрат бағишлайдиган, улар дуч келаётган масалаларга ечим топиладиган, янги марраларга руҳлантирадиган даражада кечди.

Нега айнан Сайхунобод?

Ўзбекистон аҳолисининг деярли ярми қишлоқда яшайди. Юртимиз ҳудуди табиатига, географик жойлашувига, тупроқ таркиби, ер тузилишига кўра турлича, айтиш мумкинчи, ранг-баранг. Пурвиқор тоғлару бепоён пасттексликлар ҳам, чўлу даштлар, ҳатто саҳролар ҳам бор. Уларнинг бари гўзал, бизга Ватан бўлгани билан қадрли ва муқаддас. Сайхунобод туманидаги асосий майдонларга кейинги юз йилдагина экин экила бошлаган. Меҳнаткаш, заминни қадрлагувчи эл қандай давр, шарт-шароит бўлишига қарамай, шу ерга меҳр қўяди. Уни жазирамасио қархатони, зах ерларини шўр сувлари билан бирга яхши кўраверади. Бундай ноқулайликлар билан курашиб, “тиллашиб”, ерни унумдор тупроққа айлантириш инсоннинг ўз қўлида. Яъни бу ерда Мирзачўл ўзлаштирилиши муносабати билан юртимизнинг турли ҳудудларидан кўчиб келган одамлар бир пайтлар қўп қисми чўлу даштдан иборат ҳудудни обод маконга айлантирди.



Президентимизнинг Сирдарёга ташрифи одамларни улкан марра ва мақсадларга илҳомлантирди

Лекин ҳали қилиниши керак бўлган ишлар ҳам талайгина. Одамларни ишли ва даромадли қилиш зарур. Бу ҳамон устувор масалалардан бири сифатида турибди. Давлатимиз раҳбари ташриф асносида ўтказилган видеоселектор йиғилишида нега айнан шу туманга келганини айтиб, ҳудудни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди. Сайхунобод аҳолиси яхши яшаб, даромадли бўлишга, болаларини ўқитишга интилаётгани, лекин тумандаги оғир иқтисодий аҳвол бунга тўсқинлик қилаётгани қайд этилди. Тадбиркорлик, бандлик, камбағалликдан чиқаришга катта-катта маблағлар ажратилганди, лекин улар 19 та маҳаллада яшовчи 83 минг аҳолига қанчалик етиб бораётганди? “Мисол учун, туманда 2 минг 400 ишсиз бор, камбағаллик даражаси 14 фоиз, маҳаллий бюджет тушуми 27 миллиард сўм, харажати 67 миллиард сўм. Бир сўз билан айтганда, Сайхунободда тадбиркорлик ўсмаяпти, Янги Ўзбекистон нафаси сезилмаяпти”, деди давлатимиз раҳбари йиғилишида. Туманнинг энг катта захираси ҳам, имконияти ҳам — ер. Масалан, Сайхунобод аҳоли томорқаси 20 сотихдан ортиқ бўлган 26 та тумандан бири. Лекин бунинг атиги 10 фоизни ишлатиётгани, асосий экин — беда билан макка бўлиб қолаётгани қайд этилди. Булардан кўринадики, Сайхунободда ердан фойдаланишга эътиборни янада ошириш керак. Самарали, одамларга, жамиятга, иқтисодиётга, давлатга наф берадиган ташаббуслар зарур.

Туман тажрибаси бутун республикага намуна бўлади

Аслида, халқимиз уста деҳқон. Озгина эътибор ва рағбатдан бир парча ерни гуллатиб, олиасию маҳалласига фойда келтираётган, томорқани ишлатиш бўйича бошқаларга ўрнак бўлаётган одамлар қўп орамизда. Томорқа нафақат экин экиладиган ер, балки кичик тадбиркорликни юзага чиқарувчи майдон, турмуш фаровонлигини таъминловчи, оила ва иқтисодиётга наф келтирувчи бутун тизимга айланиши керак. Томорқани “том орқаси”, яъни “уй орқаси” деб тушуниш мумкинми? Бир қарашда сўз нуқтаи назаридан шундай. Лекин бугун томорқани бундай тушуниш нотўғри. Аксинча, ушбу бир парча ерга оилани боқувчи, ҳаёт тўқислигини таъминловчи манба сифатида қараш керак. Унинг бир қаричини ҳам бўш қолдирмаслик, унумли фойдаланиш давлат сиёсатида айланаётганининг боиси ҳам шунда. Таъбир жоиз бўлса, туманнинг Иттифоқ маҳалласи бу борада бошқаларга ўрнак бўлиши керак. Ушбу ҳудудда қўлланилаётган тажрибадан кўзланган мақсад ҳам шу — томорқачиликни, тадбиркорликни фаоллаштириб, камбағалликни камайтириш бўйича намунали қилиш. Айтиш керакки, маҳаллада бу борада анчагина ишлар қилинмоқда. Бир нечта хонадон уй меҳнатининг деҳқончилик, чорвачилик, қўччилик, балиқчилик каби турлари бўйича тажриба участкаларига айлантирилган. Шулардан бири — Рисолат Ғулова хонадонига кирмасингиздан аввал сезасиз: ои-



лада ерга, томорқага меҳр ўзгача. Йўл четида турли гуллар, дарахтлар экилган. Дарвозага-ча икки ён ишқом. Ҳадемай у нафақат ҳосили, балки сояси билан ҳам одамларга ҳузур берадиган жойга айланади. — Булар қўп йиллик тоқлар, — дейди уй соҳибаси Рисолат опа. — Унинг ҳосили ҳам деярли қўни-қўшнию қариндош-уруғга текин тарқатилади. Асосий даромадимиз ичкаридаги томорқадан.

Ховли 14 сотих, томорқа сифатида фойдаланиладиган майдони 8 сотих. Бу ерда 100 тупгача дарахт бор. Олтмиш тупи ток. Улар ўртча 20 килодан узум берса, 600 кило узум олинади. Томорқанинг баракаси ҳам шунда.

Ховли 14 сотих, томорқа сифатида фойдаланиладиган майдони 8 сотих. Бу ерда 100 тупгача дарахт бор. Олтмиш тупи ток. Улар ўртча 20 килодан узум берса, 600 кило узум олинади. Томорқанинг баракаси ҳам шунда. Туман “Томорқа хизмати” МЧЖ биз билан маҳсулот сотиб олиш бўйича келишув ҳам қилди. Томорқага ишлов бериш учун мотокультиватор ва меваларни қуриштиш ускунаси ҳам берилди.

Дарахт ва тоқлар орасига сабзи, булғор қалампир, саримсоқийё экканмиз. Тажриба майдони сифатида қуриб берилган икки сотихлик иссиқхонамизда лимон, узум бор. Лимон ҳам, бошқа қўқат ва дарахт қўчатлари ҳам кўпайтирилади. Очиғи, олдин томорқамизнинг 30 фойзидан фойдаланганмиз. Му-тахассислар келди. Биргаликда иссиқхона қилдик, асалари ини қўйдик, интенсив ток, олма қўчатлари қададик. Уларни парвариш-лаш сирларини ҳам ўргатишяпти. Айтишларича, томорқамиз имкониятини икки-уч баробар ошириш мумкин экан. Кўзимиз билан кўрмагунча, ишга киришмагунча бунга ишонмай тургандик. Аслида, томорқа — яширин хазина. Бундай ташаббус ва ғоялар, сазй-ҳаракатлар, қўллаб-қувватловлар ана шу яширин хазина юзга чиқаришга хизмат қилиши билан алоҳида ажралиб туради. — Мамлакатимизда ҳар бир инсон бахтли ва фаровон ҳаёт кечириши керак, деган ғоя асосида олиб борилаётган ислохотлар мана шу томорқачилик маданиятида ҳам яққол кўзга ташланади, — дейди

Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Ақтам Ҳайтов. — Айтилик, 10 сотих томорқаси бор хонадоннинг даромади 100 миллионга етказилса, бундан 30-40 миллион харажатни олиб ташласак, 60 миллион ўзига соф фойда қолади. Шунингдек, оилада бир киши доимий банд бўлади. Қолаверса, томорқада етиштирилган маҳсулот қайта ишлаш, экспорт, солиқ тушуми, дегани. Шундай қилиб, қўшилган қийматли узвий занжир вужудга келади. Шунинг учун томорқачилик бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг асосий ўринларидан жой олган.

Айтиш керакки, бугунги кунда юртимиздаги 40 га яқин туман аҳолисининг томорқа майдонлари катта. Шулардан бири — Сайхунобод. Ваҳоланки, айрим ҳудудларда, хусусан, водий худудларида 5 сотих томорқадан олинётган даромад Сайхунободдаги 10-14 сотихлик томорқадан зиёд. Шунинг учун томорқачиликда нисбатан ривожланиш паст туманларда моделлар ишлаб чиқилипти.

Нима учун ҳозир? Чунки бугун бундай чораларнинг айни вақти. Жумладан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “маҳалла еттилиги” яратилди. Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, ҳоким ёрдамчилари институти, томорқачиларни қўллаб-қувватлашнинг молиялаш тизимлари яратилди. Ҳуқуқий асослар мустаҳкамланди. Илтиёз ва енгилликлар вужудга келди. Томорқачиликка сармоялар киритилмоқда. Мисол учун, беш йил олдин кенгашимиз ҳузурида тузилган жамғарма томонидан томорқачилик учун 2 триллион 100 миллиард сўм атрофида маблағ ажратилди. 70 мингта техника томорқа ҳўжалигига киритилди. Илгари бундай тузилма ва тартиблар йўқ эди. Томорқачиларга маҳсулотни етиштиришдан тортиб, бозорга олиш чикшигачи билан барча жараёнга қўмаклашувчи ҳамкорлар, тузилмалар яратилипти.

Сайхунобод томорқачилик ривожига бўйича ўртачадан паст туманлар қаторига киради. Мана шу туманни кўтариш орқали қолган туманларда ҳам ушбу тажрибани оммалаштириш, бу орқали одамларни хара-катта келтириш қўзланяпти. Қисқаси, им-коният, шароит яратилипти. Фақат уларни кенгайтириш ва ишга солиш керак. Бозор билан ишлаш бугунги кун талаби. Тажриба томорқа даромадини ўзига ишла-тиб, уни кўпайтиришни назарда тутди. Чунки томорқа ўзидан ортиганини бозорга сотадиган тизим. Одамларда шундай тушунча бор: бир-бир юмушни ўзи, қўни-қўшнисни ёки таниши қилиб кўрмагунча кутди, иккила-ниб туради. Томорқачиликда ҳам шундай. Мана шундай тушунчани йўқотиш, одам-ларда ерга бўлган муносабатни бутунлай ўзгартириш, уларнинг доимий даромад манбаига эга бўлиши учун бундай тажри-балар муҳим. Сайхунободда илк бор янги тажриба қи-линиб, 19 та маҳалланинг ҳар бирига 1 тадан

минитрактор, 4 тадан мотокультиватор олиб берилиши, минитракторлар маҳалла ҳисоби (баланси)да туриши ва аҳоли томорқасидаги агротехник тадбирларни бажаришга хиз-мат қилиши белгиланди. У орқали ёрдамга муҳтож оилалар томорқасидаги ишлар те-кин бажариб берилади. Ушбу тракторларнинг лизинг маблағи 7 йил давомида тўланади. Лизингнинг даст-лабки тўловлари вилоят маҳаллий бюджет-ининг ортириб бажарилган маблағлари ҳисобидан қопланади. Аҳоли томорқасидан самарали фойдала-ниш борасидаги яна бир янгилик шуки, юко-ри натижага эришаётган тажрибали фуқа-ролар ўзлари яшаётган маҳаллага агроном этиб тайинланиши ҳам мумкин.



Эндиликда ҳар бир маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси “1 сотих томорқадан камида 1-2 миллион сўм даромад” деган мезон асосида аҳоли учун бизнес-режа ишлаб чиқади. Чорвачилик, балиқчилик, паррандачилик, сутни қайта ишлаш тизимлари кенгайтири-лади. Сайхунобод тажрибаси бутун республикада оммалаштирилади.

Баҳона эмас, хоҳиш керак

Инсоннинг меҳнаткашлиги яхши фази-лат. Бу, айниқса, она заминга бўлган мухаб-батда, эл дастурхони мўллиги, юрт равнақи йўлида меҳнат қилаётган қишлоқ одамлари турмуш тарзида янада яққол кўзга ташла-нади. Чунки меҳнат қилган одам ҳам бўл-маслигини, бир парча ердан ёки бир нечта чорвадан ҳам мўмай фойда олиш, фаровон ҳаёт кечириш мумкинлигини айни шу жара-ён ичидагилар яхши ҳис қилади. Баъзан ўнлаб сотих ери бўлса-да, унга фақат беда ёки маккажўхори экиб қўётган-лар, иккинчи, учинчи экин ҳақида-ку, ўй-лаб ҳам кўрмаётганлар орамизда йўқ эмас. Сайхунобод тажрибаси, намунаси шундай-лар учун, айниқса, муҳим. Бу гўё “Буёғи баҳор, табиат уйғонди, сен ҳам уйғон, меҳнат қил ва шунга яраша яша”, дегандек чақирув бўлди. Тўғри-да, давлат ҳовлимизгача кириб ке-либ, меҳнат қилиш учун шароит яратиб бе-ришга ҳаракат қилаётган экан, бунга бефарқ қараб туриш, юмшоқ қилиб айтганда, инсоф-дан эмас. Лекин Иттифоқ маҳалласидаги

26-уй соҳиби Ҳайитали Аҳмедов ундайлар-дан эмас. 86 ёшли отахон кучи етса ўзи, етмаса фарзандлари, неваралари ёрдамида томорқадан имкон қадар фойдаланиб кела-ди.

Унга томорқасини ривожлантириш таклифи берилганда бажонидил қабул қилди. — Ўзи деҳқончиликда, меҳнатда су-ягим қотган. Эллик йилдан буён шу то-морқамда зарур маҳсулотлар етиштириб келаман. Лекин уларга бир шарт, яъни енгилроқ таклиф беришларини сўрадим ва мени қўллаб-қувватлаб, боғ ташкил қи-либ беришди. Ҳарқалай, боғнинг меҳнати енгилроқ, — дейди отахон биз билан суҳ-батда. — Натижада ҳовлимда интенсив бог намунаси яратилди. Академик М.Мирзаяев номидаги бог-дорчилик, узумчилик ва виночилик ил-мий-тадқиқот институти директори Алижон Эсонқуловнинг айтишича, ушбу хонадонга илм асосида 50 туп олма қўчати экилган. У тўртинчи йилдан тўлиқ ҳосилга киради. Ҳар бир тупидан 30-40 килогача ҳосил оли-нади. Бу олманинг ватани Австралия. Лекин маҳаллий навларга пайванд қилинган ҳамда улар Сирдарёнинг тупроқ-иқлим шароитига мослаштирилган. Агар ҳудудда ўқ илдизли навлар қадалса, яхши ривожланмайдди. Чу-нки ер ости сизот сувлари жуда яқин. Ушбу нав илдиэлари эса ёнға ўсади, шунинг учун қутилган ҳосилни олиш мумкин.

Дарахтлар орасида турли қўқатлар ҳам парваришланмоқда. Иссиқхонада помидор экилган. Май ойидан илқ ҳосилларни териш мумкин. Томорқада 15 минг туп терак қўчати қа-далган. Улар кузга бориб, деярли сотишга тайёр бўлади. Умуман, ушбу хонадон қў-чатиликка ихтисослаштирилиб, даромади кўпайтириляпти. Отахон чин маънода бой. 10 фарзанд, 45 невар, 36 чеваранинг семмили отаси, бобо-си. Шу билан бирга, юртни қадрлайдиган, юксакка кўтарадиган инсон. Бунни ҳовлисига қираверишда илиб қўйилган байроғимиз мисолида ҳам англаш мумкин. Иттифоқдаги мажур тажриба эса маҳал-ла аҳлига қўлайлик яратиш баробарида му-носиб турмуш кечириш учун катта имконият яратиб беради. — Оилалар даромади ортишида чорва-нинг ҳам алоҳида ўрни бор, — дейди



Ветеринария ва чорвачиликни ривожлан-тириш давлат қўмитаси раиси Баҳром Норқобилов. — Шу боис, маҳалладаги икки хонадонга ушбу йўналишда ишлаши учун шароит яратилди. “Ҳар бир оила — тадбир-кор” дастури доирасида уларга чорва ва пар-ранда келтириб берилади. Бундан бир ойда оладиган даромади ўртча 4 миллион сўмни ташкил этади.

Шунингдек, маҳаллага сутни қабул қи-лиш шохобчаси ҳам қуриб берилди. У ён-атрофдаги 4-5 маҳалладан маҳсулот қабул қилиб олади ва қайта ишлаш корхонасига етказиб беради. Бундан одамлар хурсанд. Ташаббусни маҳалла аҳли қўллаб-қувватламоқда. Бир кун-да ўнчага одам “Биз ҳам шу ишни қилайлик”, деган маънода таклифларини бериб кетди. Умуман, Сайхунободда йўлга қўйла-ётган тажриба ҳар бир маҳалла, ҳар бир қўча, ҳар бир хонадонни қамраб олишга қаратилган. Сайхунобод мисолида оила-ларни даромадли қилиш, инвестиция жалб этиш бўйича янги тизим республиканинг барча маҳалласида йўлга қўйилади. Бундан кўзланган мақсад томорқадан унумли фой-даланиб, хонадонларда ишлаб чиқариш ва хизматларни кўпайтириш орқали одамларни даромад топишга ўргатишдир. Мақолани баҳор тавсифи билан бошлаган эдик. Ҳўлосани унга боғлаймиз. Зеро, мав-зу, кўтарилган масала шунга мосу. Баҳор — уйғониш фасли. Далаларда экиш ишлари-га киришладиган давр. Шундай экан, то-морқангизга бу йил нима экиб, нима парва-ришлайсиз, тезроқ ишга киришинг. Чунки бугун берган меҳр ва ишловингиз эртага ўзингизга ризқ бўлиб қайтади.

Тадбиркорлар белгиланган тариф бўйича ишлаб чиқарилган электр энергияси истеъмолидан ортган қисмини давлатга кафолатли тарзда 1350 сўмдан сотиши мумкин. Бу жамият тасарруфидаги энергия ҳосил қилувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқилган электр энергияси таннархига нисбатан 2,7 баробар қимматга сотиш имкониятини беради.

Ислохотлар самараси

МАҲАЛЛАДАГИ ОЛТИН ҚОИДА: ДАВЛАТ ҚЎЛЛАЙДИ – АҲОЛИ ТАДБИРКОР ВА БУГУНИДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАЙДИ

Иқтисодиёт барқарорлигида аҳолининг доимий даромадга эга бўлиши муҳим ўрин тутади. Шу боис, кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлар сафини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бунда, айниқса, кластер тизими, касаначилик каби янги тажрибалар ижобий натижа бермоқда. Президентимиз ташаббуси билан ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий қилиниши мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада оширди.



Знѐдбек ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент вилояти камбагалликни қисқартриш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи

Бугун аксарият юртдошларимиз маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчиларини аҳоли бандлигини таъминлашда алоҳида вакил сифатида кўрмоқда. Зеро, улар ҳудудларда тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, фаолиятини кенгайтириш, уларга кредит, субсидия ажратиш, ишсиз фуқароларни касога йўналтириш каби қатор вазифаларни самарали бажармоқда.

Тошкент вилоятдан қиёс, ўтган икки йилда ҳудуддаги ҳоким ёрдамчилари томонидан 679,1 минг фуқаронинг бандлиги таъминланган. Бунда ҳоким ёрдамчилари тавсияномаси асосида 62,5 мингта лойиҳа учун ажратилган 1 триллион 589,6 миллиард сўмлик имтиёзли кредитнинг ўрни беқиёс, албатта. Ушбу маблаг эвазига вилоятда тадбиркорлар фаолияти кенгайди. Янги лойиҳалар ишга туширилди. Айниқса, ёш тадбиркорлар ва аёлларга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Масалан, ўтган икки йил давомида 23,2 минг ёш тадбиркорга 597,1 миллиард, 30,7 минг аёл тадбиркорлар учун эса 671,1 миллиард сўм кредит ажратилди. Бугун улар ўз ишини йўлга қўйиб, оиласининг моддий таъминотини яхшилаш баробарида янги иш ўринлари яратиб, мамлакат тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшмоқда.

Кейинги йилларда “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар” тушунчалари юртдошларимиз орасида кўмак, янги ҳаёт оstonаси деб кўрила бошлагани кувонарли. Айнан шу тизимдаги ишлар сабаб бугун оғир аҳволда қолган оилалар ўзини ўнглаб оляпти. Ижтимоий дафтарларга киритилган аҳолини тадбиркорликка жалб этиш мақсадида субсидиялар ажратилмоқда. Масалан, ўтган давр мобайнида дафтарларда рўйхатда турган фуқароларга 25,2 миллиард сўм субсидия берилди. Бу орқали қўллаб юртдошларимиз оғир вазиятдан чиқиб олди, инсон қадри улуғланаётганини юракдан ҳис этди. Уларнинг аксарияти янада юксак марраларни кўлаб, янги иш ўрни яратиш, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ҳақида ўйламоқда.

Вилоятда, шунингдек, “Ишга марҳамат” мономарказлари ва бошқа нодавлат таълим муассасаларида фуқаролар касб-ҳунарга, тадбиркорликка ўқитилмоқда. Микролоиҳалар асосида янги иш ўринлари очилляпти. Натижада охириги икки йилда ишсизлик даражаси 9,4 фоиздан 6,8 фоизга, камбагаллик 17,6 фоиздан 10,2 фоизга қисқарди. Бу 201 мингта яқин аҳоли камбагалликдан чиқарилди, даромад солиғи тўловчи жисмоний шахслар сони 403 минг 122 тадан 702 минг 281 тага кўпайди, дегани. Шу рақамнинг ўзиёқ мамлакатимизда бошланган ислохотлар, ҳоким ёрдамчилари тизимининг қандай самара бераётганини кўрсатади.

Бу борадаги ишлар жорий йил учун қабул қилинган давлат дастурида ҳам аниқ белгилаб қўйилган. Ушбу вазифалар ижроси учун маҳаллаларга иқтисодий комплексда фаолият юритаётган малакали мутахассислар бириктирилди. Улар мавжуд имкониятларни тўғри баҳолаб, ҳар бир маҳалла учун истиқболли бизнес-режа ишлаб чиқади. Томорқа ва ижара ерларида етиштирилган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорда сотишни ташкил этади.

Албатта, маҳсулотни сифатли ва бозоригр қилиб тайёрлаш оson эмас. Уни сотиш, юқори даромад келтирадиган йўналишга айлантириш ҳам ўз-ўзиндан бўлмайди. Чунки деҳқон катта меҳнат ва маблаг сарфлайди. Шунга яраша даромад олиш учун ишончли тизим яратиш керак. Шу боис, ҳоким ёрдамчилари ва маҳаллаларга бириктирилган вакиллар ҳамкорликда “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида иш олиб боради. Шу орқали бир турдаги сифатли маҳсулот етказиб бериш йўлга қўйилди. Бу бир маҳаллада катта миқдордаги экспортёрларни ўзига жалб этиши кундай равшан. Айтиш керакки, мазкур йўналишдаги ишлар аллақачон самара бера бошлади.



дастурида ёшларга унумдор, сувга қулай ер ажратиш мажбурияти қўйилди. Энди ёшлар оладиган ҳосил учун ҳам харидорни тайин қилиш керак. Шу мақсадда улар кооперацияга бириктирилади.

Президентимизнинг 2023 йил 14 сентябрдаги “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” даги қарори билан тадбиркорлик кўнимкаси бўлган ва фаолиятини кенгайтиришга имконияти бор ташаббусқорларга қўшимча имтиёзлар берилиши белгиланди. Масалан, Бекобод туманидаги Янги ҳаёт маҳалласида фуқаро Илҳом Бобоқулов оилавий корхона очган. Бу оила кичик цехда макарон ишлаб чиқаради. Тадбиркор фаолиятини кенгайтириши учун зарур ускуналар сотиб олиши керак эди. Унинг аризаси ўрганилиб, ижобий ҳал қилинди: 100 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Биргина имтиёз ортидан қўшимча 5 та янги иш ўрни ташкил этилди. Бюджетга қўшимча йилгига 10 миллион сўм тушум манбаи яратилди.

Умуман, вилоятда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилляпти. Халқимиз орасида соҳага қизиқиш ортмоқда.

Камбагалликни қисқартриш борасида ҳам жиддий ўзгаришлар кутилляпти. Тадбиркорлик субъектлари билан “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури доирасида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Шу кунга қадар ушбу дастур доирасида 836 та тадбиркорлик субъекти жалб этилиб, 50 минг 372 кишининг бандлиги таъминланди. Жорий йилда қўшимча 1100 та тадбиркорлик субъекти дастурга жалб этилади. Улар орқали яна 23 минг 500 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган аҳоли ишга жойлаштирилади. Бу вазифаларни амалга ошириш ҳисобига жорий йилда жами 705,5 минг аҳоли бандлигига қўмаклашилади. Шунда ишсизлик даражаси 5,5 фоизга, камбагаллик даражаси 8,5 фоизга тушади.

Муҳими, бундай ўзгаришлар халқимиз фаровонлиги, пировардида мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилади. Вазифаларни тўла адо этиш учун эса давлат томонидан барча имконият яратиб берилди. Бунй ўтган йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурига қўшимча ҳам қўрилиши мумкин. Демак, ҳамжамиятликда ишлаб, белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарсак, қўзланган ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришамиз. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодий барқарорлиги, тинч ва фаровон ҳаётини, ҳар биримизнинг орзуларимиз рўёби билан боғлиқ экани нуқтан назаридан ҳам жуда аҳамиятлидир.

“Яшил” энергетика

ИНВЕСТИОРЛАРНИ ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ЧОРЛАЙДИ



Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
шаҳрҳовчи

— Одатда бундай анжуманлар ҳар йили унинг асосий иштирокчиси бўлган мамлакатларнинг бирида кетма-кетликда ўтказилиши кўзда тутилган, — дейди “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти масъул ходими Нодирбек Ақчабоев. — Ўзбекистоннинг кейинги уч йилда икки бор унга мезбонлик қилаётгани ва ҳозирги анжуманда 200 га яқин хорижий компания вакиллари иштирок этаётгани юртимизда соҳа салоҳияти жадал ошаётгани, инновацион технологиялар ва замонавий тажрибалар кенг қўламда татбиқ этилаётгани, халқро ҳамжамиятдаги нуфузи ортиб бораётганини кўрсатади. Шу боис, уч кун давом этадиган конгресс ва унинг доирасида ўтаётган кўзгами минтақалардаги гидроэнергетика соҳаси ривожланиши, тармоқ иншоотлари қурилиши, модернизацияси, муаммо ва истиқболлари бўйича ўзига хос тажриба алмашиш, инвестициялар киритиш асосида узвий ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда илгор технологияларни намоёйиш этиш майдончасига айланди.

Кечаги лойиҳа — бугунги “яшил” энергия

Кейинги йилларда мамлакатимиз гидроэнергетикаси хорижий инвесторларнинг истиқболли лойиҳаларда иштирок этишига иштиқисни оширмоқда. Хусусан, юртимизда ГЭСларнинг умумий сони 2017 йилдаги 37 тадан 60 тага ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми 1856 МВтдан 2233 МВтга етди. Қўшимча қарийб 400 МВт қувват яратилишида Хитой, Франция, Россия, Ҳиндистон каби мамлакатлар гидроэнергетикаларининг ҳам ҳиссаси бор.

Дастлабки ўрганишларга кўра, юртимиздаги соҳа салоҳияти 8000 МВтни ташкил қилади. Лекин ҳозир биз унинг атиги учдан биридани фойдаланиб келяпмиз. — Давлатимиз раҳбари 2023 йил 31 октябрь куни ўтказган йиғилишда гидроэнергетика тармоғидаги лойиҳаларнинг ҳозирги ҳолати муҳокама қилинган эди, — дейди Нодирбек Ақчабоев. — Унда 2030 йилни кутмай, 2024-2028-йилларда гидроэнергетика қувватини 6000 МВтга (2,7 баробар), ўртача йиллик ишлаб чиқаришни 7 миллиард кВт.соатдан 17-19 миллиард кВт.соатга етказиш бўйича 5 йиллик дастур ишлаб чиқиш ва бунинг учун соҳага тўғридан тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш зарурлиги таъкидланди.

Гидроэнергетиканинг янгиланган стратегиясига асосан, бунинг учун 37 та истиқболли лойиҳани жорий этиш ҳисобига амалдаги ишлаб чиқариш миқдорига қўшимча равишда 3775 мегаватт қувват яратилиш, 2028 йилга бориб, умумий энергия ҳосил қилиш ҳажмини қарийб 3 баробар ошириш лозим бўлади.

2024 йилнинг ўзига эса умумий қуввати 17 МВтлик 18 та микроГЭС лойиҳасини ишга тушириш мўлжалланган. Бунинг учун ҳуқуқий, техник-иқтисодий асослар яратилган. Жумладан, кичик ва микроГЭСлар қуриш истагидидаги тадбиркорларга ерни 20 йил муддатга ижарага бериш, улар ишлаб чиқарган электрни давлат томонидан кафолатли сотиб олиш тизими жорий қилинган. Тадбиркорлар белгиланган тариф бўйича ишлаб чиқарилган электр энергияси истеъмолидан ортган қисмини давлатга кафолатли тарзда 1350 сўмдан сотиши мумкин. Бу жамият тасарруфидаги энергия ҳосил қилувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқилган электр энергияси таннархига нисбатан 2,7 баробар қимматга сотиш имкониятини беради.

Миллий ГЭСлар ва хорижий сармоялар

2023 йилда Тошкент, Андижон, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида умумий қуввати 190 МВтга тенг 8 та, жумладан, 3 та йирик ва 5 та микроГЭС ишга туширилди. Хусусан, Тошкент вилоятдаги Испайсой, Андижондаги Завроқ, Хонобод микроГЭСлари, Самарқанддаги Шаудар ва “ПК 102+00” ГЭС, Сурхондарёдаги Тўпаланг ва Исфара-1 микроГЭСи лойиҳалари ана шулар жумласига қиради.

Улар орасида Қизилқум туманидаги Исфара-1 микроГЭСи алоҳида аҳамиятга эга. Чунки у гидроэнергетикамиздаги дастлабки миллий ГЭС ҳисобланади. Ўзбекистонда илк бор мазкур гидроиншоот доирасидаги барча ишлар — лойиҳалашдан тортиб, унга ўрнатилган асбоб-ускуналаргача тўлиқ

маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан бажарилди. Жамият таркибидидаги “Сувсаноатмаш” АЖда ушбу иншоот учун зарур жиҳозлар тайёрланди. Худди шу тажриба энди йирик “Норин ГЭСлар каскади” лойиҳасида ва микроиншоотлар қурилишида кенг қўлланилиши мўлжалланяпти.

Яна бир жиҳати, Хитойнинг “Zhejiang Jinlun Electromechanic” компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатларида ягона ҳисобланган қуввати 2-15 МВтгача бўлган гидроагрегатлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Мазкур корхонада нафақат республикамиз, балки қўшни Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон каби давлатлар учун ҳам гидроагрегатлар тайёрляпти.

Бундан икки йил олдин “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва Ҳиндистоннинг “MACLEC technical project laboratory” компанияси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланган эди. Меморандум импорт ҳажмини қисқартриш ва мамлакатимизда кичик ва микроГЭСлар учун гидроагрегатлар “Made in Uzbekistan” миллий бренди остида ишлаб чиқарилиши йўлидаги ҳуқуқий асос бўлди. Макур ҳужжатга асосан, агрегатлар “Сувсаноатмаш” АЖ заводида тайёрланмоқда.

Хорижий инвестициялар самарасига яна бир мисол сифатида Франция тараққиёт агентлиги билан ҳамкорликда Андижон вилоятда Пайтоқ, Жанубий Фарғона каналда иккита кичик ГЭС қурилиши ҳамда Чорвоқ ГЭСи фаолияти хавфсизлигини ошириш лойиҳаларини молиялаштириш учун 20 йил муддатга 55,8 миллион еврога тенг лойиҳани келтириш мумкин. Янги кичик ГЭСлар ўтган йили иш бошлади. Бу эса 51,2 миллион кВт.соат арзон ва экологик соф электр энергияси ишлаб чиқариш, 15 та қўшимча иш ўрни яратиш, мамлакат энергетика балансида гидроэнергетика улуши ўсishi ва ёқилғи ресурсларини тежаш, электр энергиясига тобора ўсиб бораётган талабни қондириш имконини бери. Бундан ташқари, Чорвоқ ГЭСи фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда.

Конгресс иштирокчилари Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги “Фарҳод ГЭС” УКни модернизация қилиш инвестиция лойиҳасининг самаралари билан танишди. Бунинг учун 58,27 миллион евро йўналтирилган эди.



Модернизация лойиҳасида бош пудратчи сифатида Россиянинг “Силловые машины” АЖ иштирок этди. Унинг биринчи босқичида — 2019-2020-йилларда 3-ва 1-гидроагрегатлар, иккинчисида — 2021-2022-йилларда 4-ва 2-гидроагрегатлар тўла янгиланди. Натижада жами қувват 128,2 МВтга етди. Янги агрегатлар ҳар бир кВт. учун сув камкор сарфланиши, бошқарув ва автоматик тизимни замонавийлиги, камда қирқ йил муддатда ишлаб, эксплуатация харажатларини камайтириши, энг асосийси, хавфсиз ҳамда ишончли хизмат қилиши билан эскиларидан фарқланади. Шу тарика Фарҳод ГЭСи ўтган йил октябрь ойи бошида янги куч ва юқори қувват билан электр энергияси ҳосил қилишга қиришди.

Гидроэнергетика соҳасида халқро ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда. Жумладан, Жанубий Корейнинг “Tae-Chang NET Co” компанияси Тошкент ва Самарқанд вилоятларида жойлашган, умумий қуввати қарийб 30 МВт бўлган бешта ГЭСни модернизация қилиш лойиҳаси устида ишлаяпти. Компания гидроэлектрстанцияни модернизация қилишнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишини бошлади.

Гибрид гидроиншоотлар

Гидроэнергетика — асосий қайта тикланувчи энергия манбаи. Соҳа аҳолини нафақат “яшил” энергетика билан таъминлашда, балки экологияни асрашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг бошқа муқобил энергия манбалари билан ҳамоханг ишлаши ҳам бугунги кун тартибига қўйилмоқда.

Масалан, дарёлардаги сув оқими ўзгариб туриши туркиялик гидроэнергетикларни ГЭСларни бошқа қайта тикланувчи энергия станциялари билан уйғунлаштирган ҳолда барпо этишга мажбур қилляпти. Хусусан, қуввати 500 МВтга тенг Қуйи Калекей ГЭСининг пастки қисмида 80 МВтли қуёш электр станцияси қурилган ва унга 32 МВтли гидроагрегат ўрнатилган. Бундай уйғунлик қурғокчил мавсумларда энергия қуёш станцияси, ёмғири кунларда гидроагрегат томонидан ишлаб чиқарилишини кафолатляпти. Туркияда гибрид ГЭС деб аталувчи ана шундай лойиҳаларни ривожлантириш тармоқ зиммасидаги муҳим вазифалар сирасига қиради.

Ўзбекистонда ҳам қайта тикланувчи энергия манбалари, жумладан, қуёш станциялари кенг қўламда қурилиши ҳисобига энергетика тизимида ростловчи қувватларни яратишга эътибор қаратилляпти. Яъни Туркиядаги каби қуёш, шамол ва бошқа энергия ҳосил қилувчи манбаларнинг табиий сабаблар билан ишлаши пасайган пайтда уларга ГЭСлар томонидан ростловчи қувватлар ишга туширилиши электр энергиясига талаб барқарорлигини таъминляпти.

Ўтган йил октябрь ойида Хитойнинг Пекин шаҳрида ўтказилган “Бир макон, бир йўл” халқро форумида Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида қуввати 20 мегаватт бўлган Чорвоқ шамол электр станциясини қуриш лойиҳасига Хитойнинг 28 миллион доллар грант маблағини ажратиш бўйича келишувга эришилди. Ушбу лойиҳа доирасида янги авлодга мансуб 4 та, ҳар бирининг энергетик қуввати 5 мегаваттга тенг шамол электр станцияси қурилади. Бунинг натижасида йиллик ўртача 43 миллион киловатт-соат қўшимча электр энергияси ишлаб чиқарилади.

“Ўзгидроэнерго” АЖ айна пайтда мамлакатимизнинг тўртта ҳудудда гидротўплаш станциялари барпо этиш устида ҳам иш олиб бормоқда. Умумий қиймати 2 миллиард доллар, қуввати 1200 мегаваттга тенг бўлган 2 та гидротўплаш электр станциясини Хўжакент ва Юқори Псқомда қуриш режалаштирилган. Муҳим аҳамиятга эга бу каби йирик лойиҳалар юртимизда илк марта амалга оширилаётганини инобатга олиб, уларнинг техник-иқтисодий асосномасини тайёрлашга соҳада бой тажрибага эга нуфузли хорижий ҳамкорлар жалб этилмоқда.

— “China Southern Power Grid International” давлат энергетика компанияси соҳада мамлакатимиздаги энг

йириклардан, — дейди макур компаниянинг конгрессда иштирок этаётган вакили Гуа Хайеренг. — У 2002 йилда ташкил этилган, бош қароргоҳи Гуанчжоу шаҳрида жойлашган, электр энергиясини ишлаб чиқариш, тўплаш, узатиш ва тақсимлашга ихтисослашган. 2023 йил октябрь ойида “Ўзбекгидроэнерго” АЖ билан компаниямиз ўртасида қуввати 600 МВт бўлган “Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Юқори Псқом ГТЭС қурилиши” лойиҳасини ҳамкорликда амалга ошириш юзасидан келишув имзоланганмиз. Айни пайтда иншоотнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш нийҳоясига етказилган, тез орада қурилиш ишларига киришамиз. Бугунги анжуман доирасида ҳамкорларимиз билан янги лойиҳалар устида ҳам фикр алмашиш, инновацион технологияларимизни тақлим этилмиз.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ Ахборот хизмати раҳбари Равшан Бойқуловнинг таъкидлашича, жамият тасарруфидаги ГЭСларнинг умумий қувватидан келиб чиққан ҳолда, йилгига 7 миллион дона “яшил” энергия сертификатини биржага савдога чиқариш ҳамда талабгорларга тақдим қилиш имконияти мавжуд. Бир дона сертификат 1000 кВт.соат қайта тикланувчи электр энергияси ишлаб чиқарилганини тасдиқляпти.

Хулоса қилиб айтганда, “Гидроэнергетика. Марказий Осиё ва Каспий” халқро конгресси соҳага янги инновацион технологиялар ҳамда хорижий инвесторлар (молиявий институтлар, банклари) ни фаол жалб этиш, етакчи лойиҳа институтлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик ҳамда амалдаги алоқаларини янада мустақамлашга хизмат қилиши, унинг доирасида имзоланган шартнома ва келишувларда бу жиҳатлар алоҳида ўрин тутгани билан янада аҳамиятли бўлди.

Долзарб мавзу



Комил СИНДОРОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

Юртимизда ҳам ўқитувчиларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, касбий камол топиши учун шароит яратиш йўлида катта ишлар қилинмоқда. Бироқ бу ишлардан олдин муаллимлар кўрган қунларни эсласак, адолатдан бўлмас, назаримизда.

Педагогларни лавозим мажбурияти билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ишга жалб қилиш тақиқланган бўлса-да, яқин-яқингача ўқитувчиларга хизмат вазифасига кирмайдиган ишларни қилдириш каби нохуш ҳолатлар кўп учраган. Муаллимлар янги ўқув йили бошидан декабрга қадар пахта даласида тупроқ, лой кечишга мажбум эди. Таълим тизимида маош жуда камлиги туфайли эркак педагоглар тирикчилик учун бозорга чиқиб кетганди. Холисона айтсак, бозордаги писта сотувчи ҳам ўқитувчидан кўп даромад топадиган бўлиб қолганди.

Янгиланиш палласига етиб, педагогларнинг ҳақ-хуқуқларини камситувчи ҳолатларга боқичма-боқич узил-кесил барҳам берилди. Ўқитувчининг мақоми ва обрўсини кўтаришга давлат сиёсати даражасида қаралмоқда. Хусусан, Конституциямизнинг 52-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салохиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади.

Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида гамхўрлик қилади”.

Шу йил 1 февралдаги “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги қонун ҳам ўзида соҳа вакилларининг ҳуқуқлари ҳимоясини акс эттирган. Қонунда педагог касбий фаолиятини бажариш чоғида ўз шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш учун судга даъво аризаси билан мурожаат қилганда давлат боқинни тўлашдан озоқ этилиши белгиланди.

Хўш, мамлакатимизда педагогнинг мавқеини кўтаришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётган, муаллимнинг мақоми Конституция ва қонунларда ҳуқуқий жиҳатдан қаролатилган бўлса, нега жамиятдаги энг обрўли кишига айланмапти? Нега ўқитувчи давлат томонидан эъзозланяпти-ю, жамиятдан етарлиқ ҳурмат кўрмайпти? Бунга қандай омиллар сабаб бўляпти?

Оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали “Фалон жойда фалон ўқувчи ўқувчининг ота-онаси, ақинлари томонидан калтакланибди”, деган гаплар тез-тез қулоққа қалиниб туради. Ахвол шу даражага бориб етдики, ота-оналар у ёқда турсин, айрим “қулоқсиз” ўқувчилар ҳам муаллимларнинг “юзига оёқ кўйдиган”, айтганини қилмайдиган, ҳатто таълиқ ўтказадиган бўлиб қолди. Ўқитувчининг ўқувчига бирор-бир шаклда таъсир қилиш механизми йўққа чиқарилди, “қўл-оёғи

Ўқитувчининг обрў-эътибори, мавқеини кўтаришга тизимли ёндашув лозим. Ота-оналар, раҳбарлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, қўйингки, барчанинг онгида ўқитувчиларга ҳурмат, иззат ва илиқлик руҳини шакллантириш вақти келди.

ЎҚИТУВЧИ ҲУҚУҚИ КОНСТИТУЦИЯДА КАФОЛАТЛАНГАН

БИРОҚ НЕГА ЖАМИЯТДАГИ ЭНГ ОБРЎЛИ
КИШИГА АЙЛАНМАЯПТИ?

Муаллимнинг ижтимоий мавқеи миллатнинг келажагини белгилайди. Юксак интеллектуал, салоҳиятли, замонавий билим ва малакага эга, янгича дунёқараш ва мустақил фикрли мутахассисларни тарбиялашда устозларнинг хизмати беқиёс. Японияда ўқитувчилар кунни йўқ. Чунки улар йил бўйи — 365 кун эъзода. Бу давлатда ҳурматсизлик бўлмасин, дея педагоглардан етти қадам ортда юриш қадриятга айланган. Японлар каллаи сахарлаб ошга бормаиди, лекин кутубхона ва китоб дўконларига кириш учун навбатда туради. Ўқитувчилик шарафли касб бўлиб, бир ўрин учун 20-25 номзод курашади. Францияда бойлар ўқитувчи истиқомат қилаётган ҳудудда яшаётгани билан фахрланар экан. Бундай мисолларни узоқ давом эттириш мумкин.



бўларди?” деган нотўғри тушунча томир отди. Бошқалар эса тирикчилик ташвишига берилиб, боласи билан қизикмай қўйдди. “Мактабга борапти-ку, ўқиётган бўлса керак-да” деган кайфият пайдо бўлди. Ота-она мактаб билан, ўқитувчи билан алоқани таъомилла узди. Айрим ота-оналар мактабга “Болам қандай ўқияпти, ҳулки қанақа?” деб эмас, балки эркатойига дакки берган, чертган ўқитувчининг додини бериш, кўзига кўрсатиб қўйиш, “шармандасини чиқариш” учун қатнайдиغان бўлди. Бу ишни керагидан ортиқ, ошириб-тошириб урдайдиган, ўқитувчининг синф, мактаб олдидаги обрўсини бир чақага тенг қиладиган зўравонлар кўпайиб қолди. Эркатойларнинг эса “обрў”сига “обрў” қўшилиди, янги-янги ахлоқсизликларга, устознинг устидан очич-ошқора қулишларга рағбат кучайди.

Яқинда пойтахт мактабларидан бирида ишловчи тажрибали психолог билан гаплашдим. “Бир кунни синфга кирсам, ўқувчи ўқитувчининг столига ўтириб олибди. Шўрлик муаллима болага “Тур, бориб жойингга ўтир”, дейишга ҳадди сиғмай турибди. Болани жойига ўтқазиб, қечтиб кетдим. Дарсдан кейин ўқитувчидан “Бу нима ахвол? Нега у болани тартибга чакирмайсиз, қаттиқроқ турмайсиз?” деб сўрасам, устоз минг бир хижолатда дардини айтиб қолди: “Агар ўша болага “тур, жойингга ўтир”, десам, тамом. Биринчидан, у айтганимни қилмайди, иккинчидан, ҳақоратлаб, синф олдида шарманда қилади. Бошида тартибга чакиршга уриндим, қаттиққўллик қилмоқчи бўлдим, онасини айтиб келди. Оғзидан боди кириб, шоди чиқадиган “бозорчи” она тавбама таявтириб кетди. Камига раҳбариятга “Шу ўқитувчининг ишдан ҳайдамасанглр, устларингдан юқорига ёзаман”, деб туриб олди. Ёзса, сўраб-суриштириб ўтирмасдан, мактаб айбдор қилинишини ахши тушунамиз. Шунинг учун интизомий жазога ҳам тортидим... Айрим ўқувчилар дарс пайтида қушоққондан чиқиб, бемаъни, ахлоқсиз қилиғи билан дарста, қочқа болаларнинг билим олишига ҳалал беради. Лекин чидашга, тишини тишга қўйишга

Аммо бу чоралар ўқитувчиларнинг қадр-қиммати, обрўсини тиклашга етарли бўлмапти. “Ота-она — ўқувчи — ўқитувчи” занжирида муаллим энг заиф ҳалқа бўлиб қолмоқда. Бизнингча, ҳозирги шароитда педагогнинг нуфузини ошириш, ўқитувчиларнинг жамиятдаги обрў-эътибори, мақомини кўтариш учун кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш зарур.

Биринчидан, мактабларнинг академик эркинлиги доирасини кенгайтириш лозим. Бунда, аввало, мактаб педагогик кенгашига муассасада юриш-туриш, одоб-ахлоқ қоидаларини қўпол равишда бузган, мурабийларга ҳурматсизлик қилган юқори синф ўқувчисини ўқишдан четлатиш, фанларни ўзлаштирмолаган болани синфда қолдириш ваколати берилиши керак. Бир-икки беодобнинг мактабдан кетиши жамият учун қанчалик оғир йўқотиш бўлмасин, улар йўқлиги сабаб синфда, мактабда вужудга келадиган мўътадил муҳит бошқа юзлаб ўқувчиларнинг тўлақонли таълим-тарбия олишига, ўқитувчи ва мактабнинг обрў-эътибори олишига замин яратади.

Ота-онаси юмшоққина қилиб “шўх” деб ҳисобловчи, аслида, на илм, на мактаб ва на муаллимни ҳурмат қилмайдиган одобсизлар ҳамма жойда бор. Ўқитувчи, мактаб раҳбарияти қанчалик тизимли ишламасин, қанчалик чиранмасин, барча болани аълочи, тартибли ва намунали қилишнинг сира имкони йўқ. Носоголом онлада вояга етётган, қингир йўлга тушишга улгурган болани ҳеч бир мактаб, ҳеч бир муаллим тўғри йўлга сололмайди. Ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчига таълим беришдан, тарбия илмини мустаҳкамлашдан иборат. Тарбия эса, биринчи навбатда, ота-онанинг иши. Шу сабабли, ўқувчининг мактабдан четлаштирилиши ва унинг оқибатлари учун масъулият уларнинг зиммасида бўлиши, ўқишдан четлаштирилган ўқувчиларни ҳусусий ёки махсус таълим муассасасига жойлаштириш ота-она зиммасига юклатилиши керак.

Иккинчидан, тарбияси оғир ўқувчилар билан самарали ишлашни таъминловчи механизм яратилиши зарур. Қонунчиликни мактаб ва ўқитувчига ҳурматсизлик қилганлик учун жавобгарликни қучайтируви, жамиятда бу каби иллатларга ёндашуви ўзгаришлари нормалар билан тақомиллаштириш талаб этилади. Муаллим эмин-эркин, завқ-шавқ билан болаларга билим берадиган муҳит яратиш даркор. Давомати таъминлаш, тарбияси оғир болалар билан шугулланиш уларнинг мажбуриятидан чиқарилиши мақсадга мувофиқ. Яқинда мактаблардаги 2 мингта инспектор-психолог штати Ички ишлар вазирлигидан Миллий гвардияга ўтказилиши белгиланди ва уларга мактабларда давомати таъминлаш, қонунбузарликлар содир этганларга жазо қўллаш ваколати берилди. Жумладан, уларга вояга етмаганларни тарбиялаш ва таълим бериш босқисидagi мажбуриятларини бажармагани учун ота-оналар ёки уларнинг

ўрнини босувчи шахсларга нисбатан, шунингдек, таълим муассасалари ҳудуди ва атрофида ўқувчилар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва мактабларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан маъмурий баёномота тузиш ҳамда белгиланган тартибда жазо чорасини қўллаш ва бошқа ваколатлар берилди.

Миллий гвардия ходимлари мактабнинг ички ишлари, ўқув жараёнига аралашмаган ҳолда ваколати доирасида дарсларга сурункали келмайдиган ўқувчиларни аниқлаш, ота-оналар билан профилактик тадбирлар ташкил этиш, чоралар қўллаш орқали давомати таъминлаш, тарбияси оғир, ҳуқуқбузар ўқувчилар билан шугулланиб, тарбиялашда ўқитувчига кўмаклашишни лозим. Бир сўз билан айтганда, улар мактаб раҳбарияти ва ўқитувчиларнинг ҳаққий ёрдамчисига айланиши даркор.

Учинчидан, ўқитувчининг хизмат дахлсизлигини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Янги тахрирдаги Конституциямизда илк бор ўқитувчи касби қайд этилди. Шу тариқа педагоглар ҳуқуқ соҳаси вакили бўлмаган, лекин бош қонунда алоҳида қайд қилинган касб эгаларига айланди. Конституциямизда тилга олинган барча касб эгалари хизмат дахлсизлигига эга эканидан келиб чиқилса, ўқитувчига дахлсизлик ҳуқуқи берилиши заруратини исботлаш шарт эмас. Бу эса педагогга ҳурматсизлик қилганлик, ишари ва қадр-қимматини ерга урганлик, тан жараҳати етказганлик ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларини қучайтириш, ўқитувчининг маъмурий, жинсий жавобгарликка тортилиши махсус тартибини ишлаб чиқишни талаб этади.

Тўртинчидан, ўқитувчининг обрў-эътибори, мавқеини кўтаришга тизимли ёндашув лозим. Ота-оналар, раҳбарлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, қўйингки, барчанинг онгида ўқитувчиларга ҳурмат, иззат ва илиқлик руҳини шакллантириш вақти келди. Қайсидир ўқувчининг ҳатто дарсдан кейин, мактабдан ташқариди қилган нохўя иши учун ҳам ўқитувчининг, мактаб раҳбарининг бошида калтак синиши оддий ҳолга айланиб қолган. Масъуларнинг сўраб-суриштириб ўтирмасдан, ишари жазолаб, муаммодан қутулиш йўлига ўтиб олгани ҳам рост. Шўрлик ўқитувчи ишидан ажралиб қолмади, “емаган сомаси учун ҳақ тўлаш”га мажбур. Холбuki, муаллим синфдаги 30-40 ўқувчининг ортидан пойлаб юрдилайди-ку!

Ўқувчиларнинг болаларча шўхлиги, даҳанаки уриш-жанжални суратла олиб, ижтимоий тармоққа жойлаётганлар, машҳурликка номзод қимсалар ҳам мактабга, ўқитувчига тош отишни бас қилиш шарт. Махмудхўжа Бехбудий “Дунё иморатлари ичда энг улугʻи мактабдир”, деган. Шу иморат ичда ишлаётган ўқитувчи-мурабийлар энг улугʻ, мўътабар ва муқтарам инсонлардир. Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси буни билиши, ичидан ҳис қилиши, мактабга, муаллимга меҳр-муҳаббат қўли билан боқиши, эҳтиром бажо қилиши лозим.

Мулоҳаза

ИЖАРА НАРХИ СУНЬИЙ ЎСИБ БОРАВЕРСА...

талаба кўзига маъруза, оралиқ назорат ёки курс иши кўринмайди

Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари эшиклари ланг очиб қўйилгани билан талабаларнинг ҳаммасини ҳам ётоқхонага жойлаштиришга қодир эмас. Ётоқхоналардаги ўринларга нисбатан илм олувчилар сони кўп. Рақамларнинг йилдан йилга ошиши ёшларимизнинг илм олишга иштиёқи ортиб бораётганини кўрсатади. Бироқ ётоқхона муаммоси ҳамон долзарблигича қолмоқда. Ўзингиз ўйлаб кўринг, талаба ижарахона излаб, нархи устида тортишиб юрса, унинг қулоғига маъруза қирадими? Дарс тайёрлашга тинч жойи бўлмаса, оралиқ ёки курс ишини қачон ёзишга улгуради?

Янги ўқув йили бошланганига ярим йилдан ошди. Ҳар ўқув йили бошланганида то тугагунча аксарият талабалар учун турар жой масаласи асосий муаммолардан бирига айла-



наб. Олий таълим тизимида квоталар сони кўпайгани сари талабаларни турар жой билан таъминлаш ҳам долзарблииш бораётди. Айниқса, аҳоли зич жойлашган Тошкент шаҳрида янги ўқув йили бошланиши билан талабалар ижара ўй излаб, зир югуришга тушади. Сабоби, ҳозирча пойтахтда жойлашган ОТМлар талабаларини ётоқхона билан тўллик таъминлаш қувва-тига эга эмас.

Қарабсизки, талаба шўрлиқнинг ўзи дарсда бўлса-да, хаёлан қаерда яшashi ҳақида бош қотиради. Ваҳоланки, уларни ҳар доим ҳам жон қулоқлари билан тинглайдиган раҳнамолар топилавермайди.

ОТМларнинг бакалавр босқичида таҳсил олаётган талабаларнинг турар жойга эҳтиёжи ортиб борапти. Бу муаммо йиллар давомида йингилиб қолган ва сўнгги йилларда роса бола-

лаб, оғрикли нуктага айланди. Шундай экан, қимлар ётоқхона олишда устунликка эга, деган савол туғилиши табиий.

Шу ўринда, алоҳида эътироф этиш жоизки, бу ўқув йилидан бошлаб талабаларни ётоқхона билан таъминлаш тартибига ўзгариш киритилди. Тегishли ҳужжатга кўра, бошқа ҳудуддан келиб ўқиётган жойида, ўзига ёки ота-онасининг уйи бўлмаган талабалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, турли ижтимоий дафтарга киририлган оила ёшлари, икки ёки ундан кўп боласи контрактда ўқиётган оила фарзандлари, чет эллик юқориди санаб ўтилган типга кирмайдиган ёшлари “Ассосинг йўқ”, дея бошпанасиз қолдиришга сабаб бўлмастлиги керак. Айниқса, пойтахтда борадиган жойи, яшашга уйи йўқлиги, ижара хонадонлар ҳаддан зиёд қимматлиги талабалар учун катта муаммо экани эътиборга олиниши лозим.

Ётоқхоналар етишмаслиги туфайли Тошкент шаҳрида таҳсил олаётган юзлаб талабалар ижарада кун кечиришга мажбур бўлмоқда.

Янги тартибга кўра, талабага ижара тўловининг бир қисми ижара шартномаси суммасидан қатъи назар, Тошкент шаҳрида базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари, қолган ҳудудларда базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баравари миқдориди тўлаб берилиши қайд этилган. Биз амалдаги ҳолатни Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети мисолида ўрганидик.

Ўқув йили тугай деб қолганига қарамай, ҳали-хануз ётоқхонага, турар жойга муҳтож талабаларни учратдик. Ижара хонадон эгаларининг баъзилари университет билан шартнома тузишни истамаслиги натижасида ёшлар қаердан муаммога ечим излашни билмайдди. Талабаларнинг таъкидлашича, ижара шартномасини онлайн тартибда ҳужжатлаштириш учун давлат солиқ идораларига мурожаат этилиб, тўлов қилинар экан. Ханузгача турар жойга муҳтож ёшларнинг ҳаммаси ҳам ижара шартнома маблаглари билан қамраб олингани йўқ. Ҳозир мазкур шартнома пули фақатгина асоси бор бўлган, чин етим ёки ота-онасидан бири вафот этган талабаларга берилиши бошланган.

Тошкент шаҳрида ижарада яшовчи талабалар билан суҳбатлашганимизда ижара хонадонларда қатор камчиликлар борлигини айтди. Масалан, мавсумга қараб, хонадон эгалари томонидан коммунал тўловлар нархи оширилади, ўқув йили бошида келишилган тўлов миқдори кўпайтириб юборилади. “Яшасанг шу, яшамасанг, ана катта кўча”, дегувчи кишилар ҳам учраб туради. Бу нафақат талаба чўнтағига зиён етказди, балки илм олишга интилишни ҳам сусайтириши мумкин.

— Битта хонада 6-7 киши яшашга мажбур бўляпмиз,— дейди университет талабаси Мадина Матмуродова. — Ҳар кимнинг ўз эҳтиёжи бор, кимдир вақтини бесамер ўтказмасдан дарс тайёрлайди, ана кимдир ўзи билан ўзи овора бўлиб, телефонга қараб кун ўтказмоқда. Шовқин-сурон авжига чиқса, дарс қилиш қийин, албатта. Бундай муҳит нафақат

таълим сифати, балки талабанинг руҳий ҳолатига ҳам таъсир кўрсатади. Қани энди, ётоқхоналар етарли бўлса ёки ижара хонадонларда оқчиллик бўлиб турилса, нархлар сунъий равишда оширилмаса.

Вилоятларда ҳам ахвол қувонарли эмас. Бу ҳақда талабалар билан мулоқотда бўлдик. — Масофа жуда олис, 2 соат вақтни йўлга сарфлайман, — дейди Урганч давлат университети-нинг 2-курс талабаси Севара Сафарбоева. — Йўлга кетган вақтимга жуда ачинаман. Ижарада яшай десам, тўловларини жуда қиммат. Ижара ҳақи давлат томонидан базавий ҳисоблашнинг ярим баробари миқдориди қоплаб берилади. Бу етарли бўлмагани учун дугоналарим асосий вақтини таълим олишга эмас, пул ишлаб топишга сарфлайди.

Дарҳақиқат, яхши илм олиш, малакали кадр бўлиб етишиш учун ёшларга шинам ётоқхона ёки тинч ижарахона керак. Бу жуда долзарб муаммо. Чунки гап етук кадрлар тайёрлаш ва юртимиз истиқболли ҳақида кетяпти. Шундай экан, ётоқхоналар қўпайса, улар олий ўқув юртиларига яқин жойларда барпо этилиши ёки ижара нархлари назоратга олинса, нур устига нур бўларди. Зеро, буюк бобокаллимимиз Имом Бухорий айтганидек, дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмапти. Буни ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз керак.

Мунира РАҲИМОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети талабаси

